

980/2097 - عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي غَزَاةٍ، فَأَبْطَأَ بِي جَمَلِي وَأَعْيَا، فَأَتَى عَلَيَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «جَابِرُ!». فَقُلْتُ: نَعَمْ، قَالَ: «مَا شَأْنُكَ؟» قُلْتُ: أَبْطَأَ عَلَيَّ جَمَلِي وَأَعْيَا فَتَحَلَّلْتُ، فَنَزَلَ يَحْجُنُهُ بِمِحْجَبِهِ، ثُمَّ قَالَ: «أَكْبُ». فَكَبَيْتُ، فَلَقَدْ رَأَيْتُهُ أَكْفَهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: «تَرَوِّجْتِ؟» قُلْتُ: نَعَمْ، قَالَ: «يَكْرًا أَمْ تَيْبًا؟» قُلْتُ: بَلْ تَيْبًا، قَالَ: «أَفَلَا جَارِيَةٌ تُلَاعِبُهَا وَتُلَاعِبُكَ». قُلْتُ: إِنَّ لِي أَخَوَاتٍ، فَأَحْبَبْتُ أَنْ أَنْتَرِجَ امْرَأَةً تَجْمَعُهُنَّ وَتَمَشُطُهُنَّ، وَتَقُومُ عَلَيَّهِنَّ، قَالَ: «أَمَّا إِنَّكَ قَادِمٌ، فَإِذَا قَدِمْتَ فَالْكَيْسَ الْكَيْسِ». ثُمَّ قَالَ: «أَتَبِيعُ جَمَلِكَ؟» قُلْتُ: نَعَمْ، فَاشْتَرَاهُ مِنِّي بِأُوقِيَّةٍ، ثُمَّ قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبْلِي، وَقَدِمْتُ بِالْعَدَاةِ، فَجِئْنَا إِلَى الْمَسْجِدِ، فَوَجَدْتُهُ عَلَى بَابِ الْمَسْجِدِ. قَالَ: «الآنَ قَدِمْتِ؟» قُلْتُ: نَعَمْ. قَالَ: «فَدَعِ جَمَلَكَ، فَادْخُلِي فَصَلِّيْ كَرَعَتَيْنِ». فَدَخَلْتُ فَصَلَّيْتُ، فَأَمَرَ بِلَالًا أَنْ يَزِنَ لَهُ أُوقِيَّةً، فَوَزَنَ لِي بِلَالٌ فَأَرْجَحَ فِي الْمِيزَانِ، فَانْطَلَقْتُ حَتَّى وَلَّيْتُ، فَقَالَ: «ادْعِي لِي جَابِرًا». قُلْتُ: الْآنَ يَرُدُّ عَلَيَّ الْجَمَلَ، وَلَمْ يَكُنْ شَيْءٌ أَبْعَضَ إِلَيَّ مِنْهُ، قَالَ: «خُذِ جَمَلَكَ وَلكَ ثَمَنُهُ»

980.2097. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бир ғазотда эдим, бўрам чарчаб қолиб, мени секинлатиб юборди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимга келиб, «**Жобир!**» дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. У зот: «**Ҳолинг қалай?**» дедилар. Мен: «Бўрам чарчаб қолиб, мени секинлатиб юборди, орқада қолдим», дедим. Шунда у зот тушиб, миҳжанлари* билан уни туртдилар. Кейин «**Энди минавер**», дедилар. Мен миндим. Энди мен уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан (ўтиб кетмасин деб) тийиб турар эдим.

У зот: «**Уйландингми?**» дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. «**Бокирагами, жувонгами?**» дедилар. Мен: «Жувонга», дедим. У зот: «**Бокирага эмасми? У билан ўйнашар эдинг, у ҳам сен билан ўйнашар эди**», дедилар. Мен: «Менинг сингилларим бор. Уларнинг бошини бир қилиб, ювиб-тараб, устларида турадиган аёлга уйланишни истадим», дедим. У зот: «**Сен (Мадинага) келадигансан. Келганингда (аҳлингга) назокатли бўл, назокатли бўл!**» дедилар.

Кейин: «**Бўрангни сотасанми?**» дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. Шунда уни мендан бир увқияга* сотиб олдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мендан олдин етиб келдилар. Мен эртасига етиб келдим. Масжидга келдик. Мен у зотни масжиднинг эшиги олдида топдим. У зот: «**Энди келдингми?**» дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. У зот: «**Бўрангни қўй. Кириб, икки ракат намоз ўқи**», дедилар. Кириб, намоз ўқидим. У зот Билолга бир увқия ўлчаб беришни буюрдилар. Билол менга тарозини оғир қилиб ўлчаб берди. Мен кетмоқчи бўлиб ўгирилган эдим ҳамки, у зот: «**Менга Жобирни чақир**», дедилар. (Ичимда) «Энди бўрамни ўзимга қайтарадилар», дедим. Мен учун бундан ёмони йўқ эди. У зот: «**Бўрангни ол, пули ҳам сенга**», дедилар».

* Миҳжан - бир учи қайрилган, илмоқли ҳасса.

* Увқия - кумуш пул ўлчови. Бир увқия қирқ дирҳамга, аниқроғи 29,75 граммга тенг. Бу ўлчов бирлиги араб тилида вақия деб ҳам келади, биз ҳамма жойда увқия деб келтирдик.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIQLARI